



ХУСУСИЙ АЙБЛОВ ИНСТИТУТИНИ ҚЎЛЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚОИДАЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЗИЁН ҚОПЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ

Мавлонов Темур Анвар ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Олий таълимдан кейинги таълим факультети докторантура докторанти

E-mail: temurmavlonov12345@gmail.com

Тел: +998904259007

Назиржонов Нодиршоҳ Неъматжон ўғли

Фарғона вилояти ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси Ахборот технологиялари билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш бўлинмаси бошлиғи

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8426231>

ARTICLE INFO

Received: 03rd Oktober 2023

Accepted: 09th Oktober 2023

Online: 10th Oktober 2023

KEY WORDS

Хусусий айблов, зарар, мулкий зиён, фуқаровий жавобгар, зиённи қоплаш, жабрланувчининг шикоятти.

ABSTRACT

Ушбу мақолада хусусий айблов институти билан боғлиқ айрим қоидаларнинг жиноят натижасида етказилган мулкий зиён қопланишини таъминлашга бўлган таъсири ва у билан боғлиқ бошқа фикр ва мулоҳазалар акс эттирилган, адабиётлар ўрганилиб, умумий хулоса қилинган.

Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддасида “Жабрланувчининг шикоятига асосан жиноят ишини қўзғатиш” номи билан қўлланилиб келаётган **хусусий айблов институти** Жиноят кодексининг 16 та моддасида назарда тутилган жиноятлар учун қўлланилиб келмоқда. Ушбу моддаларнинг 14 тасида назарда тутилган жиноятлар учун жиноят ишини қўзғатилганидан сўнг ярашув қўлланилиши мумкин. Биз биламизки, Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддасида назарда тутилган жиноятларнинг барчаси шахсларнинг манфаатларига дахлдор бўлган ижтимоий муносабатларга қаратилган, давлат ва жамият манфаатларига эса деярли зарар етказилмайди. Ушбу моддаларда назарда тутилган жиноятлар содир этилганда жиноят ишининг қўзғатилишида ҳал қилувчи роль жабрланувчининг аризасига боғлиқ бўлиб қолади. Аксарият жабрланувчилар жиноят содир этган шахсларнинг жавобгарликка тортилиб, уларга нисбатан жазо қўлланилишидан манфаатдор эмас, аксинча, ўзларига етказилган моддий ва маънавий зарарнинг қопланиши улар учун кўпроқ аҳамиятга эга.

Бугунги кунда ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган жиноятлардан жабр кўрган шахсларнинг ариза ёзмасликларига қуйидагилар сабаб бўлмоқда:

- жиноят содир этган шахс томонидан етказилган барча зарарнинг терговга қадар текширув босқичида қопланиши;
- жиноятдан жабр кўрган шахсларнинг жиноят содир этган шахсларни турли сабабларга кўра кечириб юборишлари;
- жиноят содир этган шахслар билан қариндошлилик ва бошқа яқин муносабатларда бўлганликлари;



- жиноят ишининг қўзғатилиши ошиқча оворагарчиликларга олиб келади деган фикрнинг мавжудлиги ва бошқалар.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, жиноят натижасида етказилган зарарнинг қоплаб берилиши жиноятдан жабр кўрган шахслар томонидан ариза берилмаслигига сабаб бўлмоқда ва зарарни қоплаш амалиётига ушбу орқали ижобий ҳисса қўшилмоқда.

Аммо, у билан боғлиқ айрим муаммолар ҳам учрамоқда. Бугунги кунда хусусий айблов институти билан боғлиқ кўплаб масалалар қонунчилигимизда ўз ечимини топмаган. Хусусан, **жабрланувчи шикоят аризасини беришдан бош тортса, кейинчалик ушбу ҳолат юзасидан қайта мурожаат қилиш ҳуқуқини йўқотадими?**

Албатта, йўқ. Амалдаги қонунчилигимиз бўйича агар етказилган зарар қопланган бўлса-да, кейинчалик жиноятдан жабр кўрган шахс томонидан шикоят аризаси бериладиган бўлса, бу жиноят ишини қўзғатишга сабаб бўлади. Бу эса хусусий айблов институтининг зарарни қоплаш борасидаги самарадорлигига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Тадқиқотимиз давомида шу нарса аён бўлдики, жиноят содир этган шахслар томонидан етказилган зарар қоплаб берилса-да, кейинчалик жиноятдан жабр кўрган шахсларнинг ариза билан мурожаат қилиш ҳолатлари учраётганлиги ва бу жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида қарор чиқаришга сабаб бўлганлиги, жиноят содир этган шахслар эса зарарни қоплаган бўлсалар-да, уларнинг жинойий жавобгарликка тортилиш масаласи кўриб чиқилмоқда. Бу эса, кейинчалик ушбу тоифадаги жиноятларни содир этган шахсларда “зарарни қопласам ҳам, кейинчалик жабрланувчи ариза берган тақдирда, барибир жиноят иши қўзғатилади” деган ҳадик пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Хорижий давлатлар, хусусан, Япония [8] ва Қозоғистон [1] қонунчилигида хусусий айблов билан боғлиқ ишларда жабрланувчи ариза беришдан бош тортса ёки аризасини қайтариб олса, иш юритуви тугатилиши ва у қайта мурожаат қилиш ҳуқуқини йўқотиши белгилаб қўйилган. Шунингдек, Японияда хусусий айблов билан боғлиқ муддатлар ҳам белгиланган бўлиб, жабрланувчи ўзига нисбатан ушбу жиноятлар содир этилганлигини англагандан сўнг олти ой муддат ўтгач, бу бўйича мурожаат қилиш ҳуқуқини йўқотади.

Б.Н. Рашидов хусусий айбловга оид жиноятларда шахс шикоятини қайтариб олганда, кейинчалик ушбу ҳолат юзасидан мурожаат қилган тақдирда ҳам унинг мурожаатини кўриш рад этилиши бўйича нормани ЖПКга киритиш бўйича таклиф берган [2, Б.208].

Бизнингча ҳам, хусусий айблов билан боғлиқ жиноятлардан жабр кўрган шахслар шикоят беришдан бош тортса ёки шикоят аризасини қайтариб олса, кейинчалик ушбу ҳолат юзасидан мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиши лозим.

Шунингдек, терговга қадар текширув амалиётидаги хусусий айблов билан боғлиқ муаммолардан яна бири шикоят аризаси билан мурожаат қилган шахс аризасини қайтариб олмоқчи бўлган ҳолатларда, ушбу жараённи тартибга солувчи процессуал қоидаларнинг мавжуд эмаслигини кузатишимиз мумкин ва бундай ҳолларда амалиёт ходимлари томонидан шахслардан “қарши ариза” олиш ҳолатлари учрамоқда.



Хусусий айблов натижасида келиб чиқаётган салбий оқибатлардан яна бири бу жиноят натижасида моддий зарар кўрган шахсларнинг ўзларига нисбатан зарар етказган шахсдан етказилган ҳақиқий зарардан кўра анча кўп бўлган миқдордаги моддий қийматликларни беришини талаб қилаётганликларидир. Ҳақиқий зарар қопланса-да, талаб қилинган пул берилмаган тақдирда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза билан мурожаат қилиш билан кўрқитиш ҳоллари ҳам учраб турибди.

Бундан ташқари, терговга қадар текширув босқичида кейинчалик ишда жабрланувчи сифатида жалб қилиниши мумкин бўлган шахс шикоят аризасини беришдан бош тортганда, ушбу ҳолат қандай расмийлаштирилиши масаласи Жиноят-процессуал қонунчилик доирасида тартибга солилмаган. Ушбу ҳолат юзасидан Б.Н. Рашидов “жабрланувчининг диспозитив ҳуқуқларидан фойдаланишга реал имконият яратиш, унга ЖПКнинг 325-моддасида белгиланган процессуал қоидаларни батафсил тушунтириш ва жабрланувчининг шикоят беришдан бош тортганлиги ҳолатини унга ҳеч бир тазйиқ ўтказмасдан расмийлаштириш, шунингдек ушбу жараёни видеотасвирга олиш мақсадга мувофиқдир” [3, Б.28] деган фикрларни билдириб ўтган.

Д.Р. Тураева эса ушбу ҳолатда жиноятдан жабрланган шахсга холислар иштирокида шикоят аризасини бериш ёки ариза беришдан бош тортиши мумкинлиги билан боғлиқ ҳуқуқлари мавжудлиги, агарда ариза беришдан бош тортган ҳолларда, кейинчалик мазкур ҳолат юзасидан шикоят аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиши тушунтирилиши ва ушбу жараёнлар баённомага расмийлаштирилиши кераклигини таъкидлаган [5, Б.58].

Ушбу қоидаларни ЖПКга киритиш жиноят содир этган шахсларнинг жиноят оқибатларини бартараф этишга бўлган интилишига туртки беради, улардаги жабрланувчи ариза беришдан бош тортиб, кейинчалик ушбу ҳолат юзасидан яна ариза берса, зарарни қоплаш учун қилган ҳаракатларим самарасиз бўлади деган хавотирга чек қўяди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддасини қуйидаги учинчи қисм билан тўлдириш тавсия этилади:

“Шикоят аризасини беришдан бош тортганлик ёки берилган шикоят аризасидан воз кечганлик ҳолати камида икки нафар холис иштирокида баённомада акс эттирилиши лозим. Баённомани расмийлаштириш жараёнида шикоят аризасини беришдан бош тортаётган шахсга кейинчалик мазкур ҳолат юзасидан шикоят аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқини йўқотиши тушунтирилиши шарт”.

Жавобгарликдан қутулишга нисбатан интилиш жиноят содир этган шахсларнинг ўз ташаббуси билан жиноят натижасида етказилган зарарни қоплашга ундайди. Хусусий айблов институтининг ушбу жиҳатларидан унумли фойдаланиш жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадни инобатга олган ҳолда жабрланувчининг шикоятига асосан жиноят иши қўзғатиладиган ҳолатлар кўламини кенгайтириш учун **ЖКда назарда тутилган қайси жиноят таркибларини ЖПКнинг 325-моддасидаги рўйхатга қўшиш лозим?**



Аввал таъкидлаб ўтганимиздек, жабрланувчининг шикоятига асосан жиноят ишини қўзғатиш мумкин бўлган жиноятларнинг аксарият қисмига нисбатан жиноят иши қўзғатилгандан сўнг ярашув қўлланилиши мумкин. Бугунги кунда Жиноят кодексининг бир қанча моддаларини (аксарияти ярашув қўллаш мумкин бўлган моддалар) жабрланувчининг шикоятига асосан жиноят ишини қўзғатиш мумкин бўлган ишлар доирасига киритиш лозимлигини замоннинг ўзи талаб қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сон Фармони билан тасдиқланган “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури”нинг 37-бандида ҳам жиноят ишини қўзғатиш фақат жабрланувчининг аризасига кўра амалга ошириладиган жиноят таркиблари рўйхатини кенгайтириш устувор вазифа сифатида белгиланганлиги ҳам бунга асос бўла олади[7].

Бу ҳақида бир қанча олимлар, жумладан: Д.Р. Тураева “Жиноят кодексининг 266-моддасининг (Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш) 1-қисми ва 268-моддасининг (Транспортнинг хавфсиз ишлашини таъминлашга доир қоидаларни бузиш) 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни ЖПКнинг 325-моддасида қайд этиш ва мазкур жиноятларни жабрланувчи берган ариза асосидагина қўзғатиладиган ишлар тоифасига киритишни лозим” [5, Б.103] дея таъкидлайди. Д.Р. Тураева томонидан таклиф этилаётган ушбу моддаларни ЖПКнинг 325-моддасига киритишга назариянинг маълум бир қоидалари тўсқинлик қилиши мумкин. Яъни, ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган жиноятларнинг асосий бевосита объекти сифатида шахс билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар асосий ўринни эгаллаши лозим. Юқорида таклиф этилаётган ЖКнинг 266, 268-моддаларининг асосий бевосита объекти транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш соҳасида жамоат хавфсизлигини таъминлашдан иборат ижтимоий муносабатлар ҳисобланади [4, Б.769]. Аммо, бу назария холос. Бизнингча, кейинчалик ярашув қўлланилиши мумкин бўлган жиноят кодексининг ушбу моддалари ЖПКнинг 325-моддасидан ўрин олиши шарт.

Б.Н. Рашидов эса ушбу моддага киритилиши лозим бўлган жиноятлар сифатида ЖКнинг қатор моддаларини санаб ўтган. Хусусан, 106–109-моддаларида, 112-моддаларида, 116-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 122–123-моддаларида, 125-моддасида, 137¹-моддасининг биринчи қисмида, 138–140, 148, 141¹–143-моддаларида, 168, 169, 181–181¹, 191–192¹, 229-моддаларида, 256-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 257-моддасининг биринчи қисмида, 258-моддасининг биринчи қисмида, 259-моддасининг биринчи қисмида, 260-моддасининг биринчи қисмида, 262-моддасининг биринчи қисмида, 263-моддасининг биринчи қисмида, 263¹-моддасининг биринчи қисмида, 266-моддасининг биринчи қисмида, 267-моддасининг биринчи қисмида, 268-моддасининг биринчи қисмида, 269-моддасининг биринчи қисмида, 277-моддасининг биринчи қисмида ва 298-



моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган жиноятларни ЖПКнинг 325-моддаси биринчи қисмига киритишни таклиф этган [3, Б.28].

Жиноят натижасида етказилган мулкый зиённи қоплаш мақсадини кўзланганда, ушбу моддаларнинг айримларини киритишни мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблаймиз. Хусусан, ЖКнинг 122-моддасининг (Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш) учинчи қисми ва 123-моддасининг (Ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш) иккинчи қисмида шахс алимент бўйича қарздорликни тўлиқ қоплаган бўлса, жиноий жавобгарликдан озод қилиниши билан боғлиқ қоида қайд этилган.

Бизнингча эса, Жиноят кодексининг 168-моддасининг биринчи қисми (Фирибгарлик), 170-моддасининг биринчи қисми (Алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан мулкый зарар етказиш), 172-моддаси (Мулкни кўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш), 173-моддаси (Мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш), 229-моддаси (Ўзбошимчалик), 266-моддасининг биринчи қисми, 268-моддаси биринчи қисми ва 298-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган жиноятларни **ЖПКнинг 325-моддасининг биринчи қисмига жабрланувчининг шикоят аризасига асосан кўзғатиладиган ишлар тоифасига киритишни** мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ушбу фикрларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддаси биринчи қисмини қуйидаги тахрирда баён этишни тавсия этамиз:

*“Жиноят кодекси 105-моддасининг биринчи қисмида, 109-моддасида, 110-моддасининг биринчи қисмида, 111-моддасида, 118-моддасининг биринчи қисмида, 119-моддасининг биринчи қисмида, 121-моддасининг биринчи қисмида, 136-моддасида, 139-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 140-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 141¹-моддасининг биринчи қисмида, 149-моддасида, **168-моддасининг биринчи қисмида, 170-моддасининг биринчи қисмида, 172-моддасида, 173-моддасида, 229-моддасида, 266-моддаси биринчи қисмида, 268-моддаси биринчи қисмида, 298-моддаси биринчи қисмида** назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги жиноят ишлари айбдорни жавобгарликка тортишни сўраб жабрланувчи берган шикоят аризаси асосидагина кўзғатилади. Жабрланувчи ночор аҳволда бўлганлиги, айбланувчига қарам бўлганлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра ўз ҳуқуқини ва қонуний манфаатларини ўзи ҳимоя қила олмайдиган алоҳида ҳолларда прокурор жабрланувчининг шикоятисиз ҳам жиноят ишини кўзғатиши шарт”.*

References:

1. Қозоғистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (02.03.2022 ҳолатига кўра) // URL: <https://adilet.zan.kz/kaz/docs/K1400000231#z685> (Мурожаат этилган сана 20.04.2022)
2. Рашидов Б.Н. Жиноят процессида хусусий айблов: назария ва амалиёт : Юрид. фан. док.(DSc) ... дис. – Т.: Ўз. Рес. ИИБ Академияси, 2021. – Б.208.
3. Рашидов Б.Н. Жиноят процессида хусусий айблов: назария ва амалиёт : Юрид. фан. док.(DSc) ... дис. автореф. – Т.: Ўз. Рес. ИИБ Академияси, 2021. – Б.28-29.



4. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ (Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр. 2016 йил 1 ноябргача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) махсус қисм – Тошкент: “Адолат”, 2016. – Б. 787,769.
5. Тураева Д.Р. Жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш механизмини такомиллаштириш: Юрид. фан. док.(PhD) ... дисс. – Т.: Ўз. Рес. ИИВ Академияси, 2020. – Б.58.
6. Тураева Д.Р. Жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш механизмини такомиллаштириш: Юрид. фан. док.(PhD) ... дисс. – Т.: Ўз. Рес. ИИВ Академияси, 2020. – Б.103.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сон Фармони // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/3050491> (Мурожаат этилган сана: 01.02.2023)
8. Япония жиноят-процессуал қонуни (刑事訴訟法) // URL: <https://elaws.e-gov.go.jp/document?lawid=323AC0000000131> (мурожаат этилган сана : 04.04.2022)